

Мьянмадаги вазият Европа иттифоқини ташвишга солмоқда



12:20 / 11.12.2018 3398

Европа иттифоқи дунё жамоатчилиги эътиборини Мьянманинг Качин, Шан ва Аракан штатларида инсон ҳуқуқлари қўпол равишда бузилаётганига қаратмоқда, деб хабар беради IQNA туркиянинг Yeni Şafak газетасига таянган ҳолда. Маълум бўлишича, ЕИ Кенгаши томонидан Мьянманинг ушбу масалага дахлдор ҳарбий мулозимлари ва полициянинг мутасадди ходимларига нисбатан қўшимча санкциялар ҳозирланмоқда. ЕИ Кенгаши ташкилотнинг Ташқи ишлар кенгаши йиғилишига киритган хатида бу ҳолатдан анча ташивишда экани маълум қилинган. Мактубда ЕИ жинойтчиларни жазолаш учун Халқаро жинойт суди назорати остида жинойтларни текширадиган мустақил механизм ташкил этишни яна бир бор талаб этган.

Islom.uz портали тахририяти